

“Таҳиатош иссиқлик электр станцияси” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари эгаси – ягона акциядор “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг

**1 - сонли
ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

“ 15 ” Сентябр 2020 йил

“Таҳиатош ИЭС” АЖнинг жами чиқарилган акциялар сони 355 949 280 донани ташкил этади. Шундан:

- имтиёзли акциялар сони – 3 915 360 дона (1,1%);

- барча оддий акциялар сони 352 033 920 (98,9%).

Барча овоз берувчи оддий акциялар “Иссиқлик электр станциялари” АЖга (100%) (кейинги ўринларда - Акциядор) тегишли.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига асосан, барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиатош тумани ҳокимлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 3309-01-сонли хатини кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жисмоний шахсларга (якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ва юридик шахсларга (тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар) эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш белгиланган.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ номига мазкур масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиатош тумани ҳокимлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 3309-01-сонли мурожаати (кейинги матнда - Мурожаат) келиб тушган (илова қилинади).

Мурожаатда “Таҳиатош ИЭС” АЖ ишлаб чиқариш объектлари ёнида 29 та хонадон мавжуд бўлиб, СанПин 3050-17 нормаларига асосан аҳоли яшаш пунктлари иссиқлик электр станцияларидан камида 500 м. узоқликда жойлашган бўлиши шартлиги сабабли, мазкур 29 та хонадонда истиқомат

қилувчи аҳолини бошқа ҳудудга кўчириш учун компенсация тўловларини тўлаб берилишида амалий ёрдам сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Вазарлар Маҳкамасининг 16.11.2019 йилдаги 911-сонли қарори талабларига биноан жисмоний ва юридик шахслар эҳтиёжлари, инвестиция лойиҳалари энергетика объектлари қурилишида ушбу ҳудудда яшовчи аҳолига компенсация маблағларини тўлаб берилиши белгиланган.

“Таҳиатош ИЭС” АЖнинг 01.07.2020 йил ҳолатига соф активлари қиймати 8 556,7 млрд.сўмни, битим суммаси (5,0-6,0 млрд.сўм) жамият соф активларининг 0,05%-0,07% ни ташкил этиб, битимни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига асосан жамиятнинг ижроия органи ваколатига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига кирувчи жамиятларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва кредит маблағларини қоплаш учун айланма маблағларини ажратиш, шунингдек 29 та хонадон эгаларига компенсация маблағларини тўлаб бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосланиб, акциядор

ҚАРОРИ:

1. “Таҳиатош ИЭС” АЖ ижроия органи (Халилаев)га:

- Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиатош тумани ҳокимлиги билан биргаликда “Таҳиатош ИЭС” АЖ ишлаб чиқариш объектлари ёнидаги 29 та хонадонни хатловдан ўтказиб, компенсация қилиш учун зарур бўлган маблағлар миқдорини аниқласин.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги қарорини ва Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиатош тумани ҳокимлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 3309-01-сонли хатини инобатга олиб, кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш масалаларини чуқур ўрганган ҳолда ҳомийликни амалга ошириш масаласини ижроия органи йиғилишида кўриб чиқсин;

- Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиатош тумани ҳокимлиги билан келишган ҳолда мазкур кўчмас мулк объектларига фуқароларни доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш, олди-сотди битимларни расмийлаштириш масалаларини тўхтатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрсин.

- Амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотларни “ИЭС” АЖга киритиб борилишини таъминласин.

2. Мазкур қарор ижросини таъминлаш “Таҳиатош ИЭС” АЖ бош директори Ф.Халилаев зиммасига юклатилсин.

**“Иссиқлик Электр Станциялари”
АЖ Бошқарув раиси**


Ф.Г.Мубаракшин